

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 330.101.541.575.1

АКРАМОВ КАМОЛИДДИН ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни
фаоллаштириш омилларининг таҳлили**

5A230103 – “Макроиқтисодиёт” мутахассислиги бўйича

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.н.доц. С. Абдурахимова

Тошкент – 2019

АННОТАЦИЯ

Магистрлик диссертациси ишида Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий моҳияти, унинг омиллари ва ўзига ҳос хусусиятлари ёритилган. Олимларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш омиллари ҳақидаги қарашлари баён этилган. Республика иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи ҳамда уни иқтисодиётга жалб этиш йўллари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ


В магистерской диссертации отражены экономические аспекты привлечения прямых иностранных инвестиций, его факторы и особенности. Изложены взгляды ученых на факторы активизации прямых иностранных инвестиций. Проанализирована доля прямых иностранных инвестиций вложивший в экономику республики в структуре инвестиций и пути ее привлечения в экономику.

ANNOTATION


In this master's thesis reflected the economic aspects of attracting foreign direct investment, its factors and features. Outlined the views of scientists on the factors activating foreign direct investment. Analyzed the share of foreign direct investment invested to the economy of the republic in the structure of investment and how to attract it to the economy.

Магистрлик диссертация иши “Макроиқтисодиёт” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 1 - сонли баённома «1» июль 2019 й.

Илмий раҳбар: доц. С.А. Абдурахимова


(имзо) 01.06.19
(сана)

Магистр: К.И. Акрамов


(имзо) 01.06.19
(сана)

МУНДАРИЖА

I БОБ. ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9-30
1.1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тушунчаси ва унинг мамлакат иқтисодиётдаги тутган ўрни.....	9-17
1.2.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга таъсир этувчи омиллари.....	18-26
1.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни ўзига хос хусусиятлари.....	26-30
I боб бўйича хулоса.....	31
II БОБ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ҚИЛИНАЁТГАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	32-58
2.1.Республика иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг салмоғи ва уларнинг ривожланиш тенденцияси.....	32-39
2.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга таъсир қиладиганомиллартаҳлили.....	39-44
2.3.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни худудлар, сохалар ва тармоқлар бўйича таҳлили.....	45-58
IIбоб бўйича хулоса.....	59
III БОБ.ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИЖАЛБ ЭТИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	60-76
3.1.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни ошириш йўллари.....	60-67
3.2.Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш йўналишлари.....	67-75
III боб бўйича хулоса.....	76
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	77-79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80-84

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Миллий иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи тўғрисидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Буни ўзлаштирилган капитал кўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин.

Иқтисодиётимизга киритилаётган инвестицияларнинг йилдан-йилга ўсиб боришида юртимиздаги мавжуд инвестицион шароит ва қулай инвестиция муҳити алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, “2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилган.

Жумладан, иқтисодиёт ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида, 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади”¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабр.